

Бу юзни жаҳаннам оловидан тўса оласанми?



07:24 / 30.04.2020 1356

Аллоҳдан бошқа мудаббир борми?

Салама ибн Ғаффор айтади: «Бир киши Фузайлга шикоят қилган эди, Фузайл унга: «Аллоҳ таолодан бошқа кимдир мудаббир (Мудаббир Аллоҳ таолонинг исми бўлиб, барча ишларнинг тадбирини қилувчи демакдир) бўлишини хоҳлайсанми?» деди».

Юсуф Замий Фузайл ибн Йёздан ривоят қилади: «Олдимга халифа Хорун ар-Рошид бир неча киши билан бирга келди. Уларга: «Халифа қайси бирингиз?» дедим. Улар мўминларнинг амирига ишора қилишди. Мен унга: «Эй юзи чиройли зот, мен улуғ бир ишнинг гувоҳи бўлдим – сенинг юзингдек чиройли юзни бошқа ҳеч кимда кўрмадим», дедим. У: «Агар бу юзни жаҳаннам оловидан тўса олсанг, шундай қил!» деди. Кейин мендан насиҳат сўради. Мен унга: «Сенга нимани ҳам насиҳат қилардим? Барча насиҳат Аллоҳ таолонинг Китобида бўлса, унда итоат этганларга нима бўлиши-ю, осийлик қилганларга нима бўлишига қарагин», дедим.

«Солиҳлар гулшани» китобидан